

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ИИВ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

12 биён 1991
Қонунчиллик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

№ № 58—59 (2322—2323)

1991 ЙИЛ 21 МАЙ

СЕШАНБА

БАҲОСИ 20 ТИЙИН

БИЗГА ЖАВОБ ВЕРАДИЛАР

КЎРСАТМА БЕРИЛИБДИ-Ю..

Рўзномамизнинг муҳтарам ихлосмандлари! Шу йил 2 март куни ўзлон қилингандан «Қонун кучлами ёки бўйруқ?» сарлавҳали мақоламиз нима ҳақда эканлигини эсладингизми?

Унда Тошкентдаги «Жанубий» темир йўл вокзали хизматчилари милиция ходимларига навбатсиз чипта олиш имкониятини яратмаганинг тўғрисидан ёзилганни. Ҳатто уларнинг баъзилари ўтган йил 31 октябрь куни қабул қилингандан «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялашини кучайтириш тўғрисидаги» УзССЖ қонунини бажариш бўйича ўз раҳбарларидан бўйруқ олмаганинг айтишган. Шу боис, темир йўл хизматчilarининг гайриодатий манманликлари тўғрисидаги мақоламизни «Қонун кучлами ёки бўйруқ?» деб номлагандик.

Ниҳоят, Октябрь революцияси орденли Урта Осиё темир йўл бошқармаси йўловчилар хизмати бошлигининг ўринбосари И. Файзуллаев им-

зо чеккан юқоридаги жавоб хатини олиб, иккиси ҳисса кувондик.

Иккинчидан, Узбекистон ССЖ ҳузуридаги барча темир йўл вокзали ва станцияларида милиция ходимларини навбатсиз чипта билан таъминлаш бўйича кўрсатма берилибди.

Лекин шу ўринда яна иккита нарса туфайли қувончимизга дарз кетди. Биринчидан, ўртоқ Файзуллаев «Президентнинг 1991 йил 31 октябрдаги Фармонини (?) кўриб чиқдик, деяти. Е, влазазар!..

Иккинчидан, соғ ўзбек тилида чоп этилган танқидий мақолага ўзбек миллатига мансуб раҳбарнинг рус тилида жавоб йўллаганига нима дейиш мумкин? Қарийб 2 йилдан берি амал қилаётган давлат тили ҳақидаги қонун қаҷон уларга етиб бораркан?

ССР ТЕМИР ЙУЛЛАР МИНИСТРИЛIGИ

ОКТАБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ
ОРДЕНЛИ
УРТА ОСИЁ ТЕМИР ЙУЛ
БОШҚАРМАСИ

700060, Тошкент, Т. Шевченко кўч., 7

12.04.91г. № ЙВ-42

На №

тг



МИНИСТЕРСТВО ПУТЕЙ СООБЩЕНИЯ СССР
УПРАВЛЕНИЕ СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ
ОРДЕНА
ОКТАБРЬСКОЙ РЕВОЛЮЦИИ
ЖЕЛЕЗНОЙ ДОРОГИ

700060, Тошкент, Т. Шевченко, 7

Редакция газеты «Постда»
на публикацию материала
«Қонун кучлами ёки бўйруқ?»

Материал опубликованный в вашей газете от 2 марта 1991г.
одновременно с Указом Президента от 31 октября 1991г. рассмотрен
пассажирской службой.

Дано указание по дороге обеспечить право работников милиции на внеочередное приобретение билетов во всех билетных кассах вокзалов и станций Узбекской ССР.

Заместитель начальника
пассажирской службы

И.Н.Файзуллаев

ШУ СОНГА ХАБАР

ХАЛҚ БИЛАН УЧРАШУВ

Пойтахтдаги Ленин комсомоли номли маданият ва истироҳат бўғига Узбекистон радиоси «Сўнгги аҳборот» бошмуҳаррияти «Оқшом тўлқинларидан Аҳборот-Мусикий эшиттириши ижодий ходимларининг меҳнаткашлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Халқ билан бевосита дилдан чиқариб мулоқот қилиш, уларнинг фикрини билиш, саволларига жавоб бериси учун жумҳурят ичкиси ишлар вазирининг ўринбосари генерал-майор Гафур Радимов, жум-

хурнят прокуратурасининг бўлим мудири адлия маслаҳатчиси Файзулла Қиличев, филология фанлари доктори, профессор Абдузухур Абдуазизов, журналистлар Эркин Худойберганов, Баҳром Усмонов ва бошқалар ташриф буюриши.

Бугунги қайта қуриш, демократиялаш даврининг ўтири муаммолари ҳақида туғилган фикрларини Собир Радимов туманин «Алоқа» мақаласи кўмитаси раиси, меҳнат фахрийси Аҳмаджон ака Умар-

кулов, ТошДД журналистика кулиятини З-курс толиби Сафар Мўминов, Янгийўл туманидан Мирза Толипов ва бошқалар баён этиши, уларга ҳуқуқтартибот ходимларидан жавоб олиши.

Учрашув қатнашчиларини ҳалқнинг севимли хонандалари Комилжон Баратов, Озода Назарова ҳамда Абдулхайрон Каримов ўзларининг дилрабо қўшиклиари билан мамнун этиши.

Бундай ибратли учрашувлар Узбекистон радиосининг турли муҳаррияtlари ижодкорлари томонидан кеч кузгача уюштириб борилади.

Ҳабибулла ШОДИЕВ,
«Постда» мухбир.



«ИЧКИЛИКБОЗЛАР ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!»

Андижон вилояти ИИБ давлат автомобиль назорияти бўлими ходимлари йўлтранспорт ҳодисалари олдини олиш мақсадидан катта тадбирларини амалга оширишмоқда. Рулни маст ҳолатда бошқариш қатнов жадал йўллардаги оғир фалокатларни келтириб чиқарни мумкинлиги ҳисобга олиниб, наркологик диспансер билан ҳамкорликда кўчма пост ташкил этилди.

ДАН ходимлари шу йилни биринчи чорагидаек кайф гаштини машинада суриш ишқибозларидан 1372 нафарни аниқлашди.

СУРАТЛАРДА: ҳуշёрлиги шубҳа уйғотган ҳайдовчи

автобусга таклиф қилинмоқда; милиция старшинаси Пўлатжон Сиддиқов ва диспансер ходими Шавкатжон Бузурхоновлар енгил машина рулини маст ҳолатда бошқарган ҳайдовчини текширишдан ўтказишмоқда.

Ғуломжон УБАЙДУЛЛАЕВ
олган суратлар.

ГАРАЖДАГИ «ОМБОРХОНА»

Гулсара опанинг ниятилари катта эди. Ағфус, улар амалга ошмай қолдиди. Тўрт минг сўмга яқин пул ҳазил гапми! Унинг устига қўни-қўшиларининг муомаласини айтмайсизми. Қанча эҳтиёт бўлмасин, барибир чув тушп қолди. Аттанг, ёмон иш бўлди, милиция ҳалақит бермаганида...

Шу йил 23 апрель куни Пахтакор тумани ичкиси ишлар бўлимига Акмал Икрамов давлат ҳўжалигидан қўнгироқ қилишиб, маълумот берисди. Дарор опергурух ташкил қилиниб, унга туман ИИБнинг ВХСС оператив вакили, милиция капитани Ҳикмат Усмонов, участка вакили ёрдамчиси, милиция сержант Сафар Ақажоновлар киритилди. Милиция ходимлари қўнгилли ҳалиқ дружиначилари билан биргалида ушбу ҳўжалик марказидаги Завод кўчаси, 4-йига етиб келишди. Хо-

надон соҳибаси Г. Файзиева фуқаро Д. Очиловга 10 шиша ароқнинг ҳар бирини 20 сўмдан 200 сўмга, ҳар кути «Родопи» сигаретасини 3 сўмдан, яъни 20 кутисини 60 сўмга пуллаётганида ушланди. Бир неча дақиқа ичиди Гулсара опа 151 сўму 50 тийин «соғ даромад» қилганди.

Шундан сўнг Г. Файзиева ҳовлиси кўздан кечирилди. Гаражда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 187 шиша «Рус ароги», 13 шиша «Столичная», 3 шиша «Пшеничная», 18 шиша «Жасорат» виноси, 610 кути «Родопи» сигаретаси топилди. Мабоди Г. Файзиева юқоридагиларни ҳам чайқов нархида сотганида эди, 3771 сўму 95 тийин «фойда» қилган бўларди.

Унинг нияти амалга ошмай қолди.

М. АБДИЕВ.

АКС-САДО

ГАПНИНГ ОЧИФИ

Хурматли рўзнома муҳарририят! «Постда»нинг шу йил 14 май сонидаги милиция майори Акмал Комиловнинг «Йўл солиги олинмаса мақолосидаги таклиф айни вақтида ўртага ташланган деб ўйлайман. Гапнинг очиғини айтганда ходимларнинг кўпчилиги ўз шахсий автомашиналаридан иш вақтидан ташқари байрам ва дам олиш кунлари ҳам хизмат вазифасини бажаришда фойдалана дилар. Ба бунда ИИВ томонидан эҳтиёт қисмлари тутгул, ёнили ҳам берилмайди. Шахсан менинг ўзим машинамда хизмат юзасидан айрим кунлари 80-100 километрдан ошиқ ўйл юраман.

Аҳлоқ тузатиш муассасаларининг деярли барчаси Тошкент вилоятининг чекка қисмларида жойлашган. Таъминот ва бошқа масалаларни ҳал қилиш юзасидан эса Тошкентдаги турли корхоналарга мурожаат этишга тўғри келади.

Шунинг учун ҳам мён А. Комиловнинг таклифини кувватлайман. Агар бу таклиф инобатга олиниб, ичкиси ишлар ходимлари автомашиналарига солинадиган йўл солигидан озод этилса, нур устига нур, ичкиси ишлар ходимлари ишини рағбатлантиришнинг аъло намунаси бўлади.

Эркин ЯУЛДОШЕВ,
ичкиси хизмат капитани.

ДОВОНДАГИ УЧРАШУВ



Офтобнинг зарин нурлари юксак төглар ортидан элас-элас кўриниб турибди. Ҳавонинг авзой тунд. Майин эсаётган тог шабадаси нишининг баҳри-дилига ором баҳшида этди. Кечроқ бўлсада қийғос очилган дараҳтларнинг кўрки табиатнинг ҳуснига ҳусн қўшади. Тог ёнбағриларидаги бундай кўркак манзарани фақат фасллар келинчаги — баҳорда кўриш мумкин. Бироқ мақсадимиз баҳор табиатини мадҳ этиш эмас. Балки ана шундай гўзал манзаралар қўйнида ўз хизмат бурчани ўтаётган ДАН ходимлари ҳақида ҳикоя қилиш...

Бир томондан олиб қаралганда «Довонда ДАН постига нима бор?» деган фикр хаёлга келади. Аслида эса бошқача. Чунки йўлнинг пасту баландликлари, хавфли бурилишлари ҳар бир нишинни бироз бўлса-да толиқтиради. Ана шундай вақтда ҳайдовчиларни сергак тортириш мақсадида, уларни йўлдаги хавф-хатарлардан воқиф қилиш учун ҳам ДАН ходимларининг пости довонда керак. Бундан ташқари, ҳозирги жамиятнинг инсонларининг иқтисодий жиҳатдан тант ахволдадигини инобатга олиб, ўзга жумҳуриятларга ноёб молларни олиб ўтиш ман этилган.

Ана шу ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадларида Тошкент — Кўйон довонида, ҳам ДАН пости фаолият кўрсатмоқда.

Ҳамроҳим бироз сергак тортиб:

— Ҳозир бизни ҳам тўхтатишади.— деди.

Дарҳақиқат, постга яқинлашишимиз билан бизни баланд бўйли, милиция кийимида (кейинчалик билсан, милиция сержант). ИПХ ходими Олимжон Йўлибоев экан) йигит тўхтатди. Унга итоат қилиб, машинани чеккага оғдиқ. Ҳужжатларнинг бариси ўз жойида эканлигига ишонч ҳосил қилгач, Олимжон:

— Йўлингиз бехатар бўлсин, — деда қўлини чаккасига олиб борди.

Иўл назорати хизматчила-рининг бу йўсин мулойимлик билан муомала қилишларини (тўғрисини айтсам) биринч бор кўришим. Ҳаттоқи, доимо йўлда юрувчи дўстим: «Ахир мана шундай назоратчilar ҳам бор эканку», — деди. Назоратчilarнинг ана шундай фаолияти мени бефарқ қолдирмади. Яхшики, ўзим билан фотопараратим бор экан, дарров енг шимариб, ишга киришдим. Аввало ноёб молларни ўзга жумҳуриятларга олиб

кетиш ҳоллари юз берган ҳодисалар билан қизиқдим. Булар ҳақида Поп тумани ИИБ ДАН инспектори милиция старшинаси Хидоятулла Ҳабибулаев шундай маълумотларни берди:

— Аввало шуни айтиш керакки, ноёб молларни олиб кетиш ҳоллари кейинги пайтларда анча қисқарди. Деярли иккى ой мобайнида бу ҳол бир-иккى маротаба тақрорланди. Масалан, номаълум бир машина тўхтатилиб, текширилганда, унинг юки 170 метр қимматбахо газлама (парча) эканлиги аниқланди. 9 апрель куни К. Толжаков бошқараётган Қозогистон жумҳуриятига қарашли «ММЗ-554» белгили, 06-28 КЗИ рақамли автомашина текширилганда, 2 кути чой, 2 кути макарон, 2 кути печенье каби маҳсулотлар топилди. Машина эгаси Андижон шаҳридан олиб кетаётганлигини айтди. Бу молларнинг барчаси тегишли идораларга топширилди.

Шу пайт постга Л 33-56 ФЕ рақамли енгил автомашинаси келиб тўхтади. Машина текшириб кўрилганда, унинг юхонасидан «Витязь» рангли телевизори чиқди. Машина эгаси А. Қўзибовенинг таъқидлашича, у бу телевизорни Тошкентда

истиқомат қиласидан бир қариндошига совга учун уч ой бурун олган экан. Фаргона шаҳридаги тијорат дўконларининг бирордан олинган бу телевизорга дўконнинг лоқайди сотувчилари ҳисоб-китоб ҳужжатларини беришмаганиш. Албатта, бундай ҳолларни назоратчilar ҳисобга олишади...

Шу куни биз назоратчilar билан бир неча соат бирга «мехнат» қилиб, уларнинг хизматлари нақадар оғир, мешақатли эканлигига иқор бўлдик. Нетар пайтимиз яқинлашиб, машинага ўтирилаётган дақиқада Поп тумани ИИБ ДАН бошлиги милиция майори Алхар Гонпов ва ДАН ходими милиция лейтенанти Кобилжон Аҳмедовлар келиб қолиши. Байрам кунлари бўлтани учун улар барча постларни текшириб юришганини айтишди. Назоратчilar билан янга бироз суҳбатлашгач, йўлга тушдик. Яна бизни юқорида таърифланган манзара ўз бағрига олди.

Дилшод ЖАЛОЛОВ,
журналист.

СУРАТЛАРДА: довондаги ДАН пости ходимлари таърифларни хизмат фаолиятларидан лавҳалар.

Муаллиф олган суратлар.

ХОТИРА

АЙРИЛИК

Бугун барча ёр-биродарлар, фарзандлар ва маҳалладошларнинг кўзларида ёш. Чунки улар ўзларининг энг яқин кишиси — Умаралини сўнгги йўлга кузатмоқдалар. Одамлар боши узра кўтарилган тобут оҳиста тебранганича қабристон томон яқинлашиб боради...

Во дариг, кечагина юздан табассум билан навбатдаги иш режаларни амалга ошириш учун хизматхонасига кириб келган бу ажойиб инсон умрининг сўнгги кунини яшаётганилиги кимнинг ҳам хаёлига келибди дейиз. Афсуски, ўлим вақт ва жой танлаб ўтирас экан.

Умарали Мажидов эндигина 44 баҳорни қаршилаган эди. Тоҷикистоннинг Кулоб шаҳрида дунёга келган бу йигит ёшлини йилларида ёқта касбига меҳр қўйган. Унинг отаси Тоҷибай ака комсомоллик даврида халқ озодлиги учун курашганлардан бири. У Иброҳимбек кўрбошнинг қўлга олишда шахсан иштирок этган. Кейинги йилларда эса ички ишлар соҳасида раҳбарлик лавозимларида ишлаган.

Умарали Мажидов умринг охиригача касбини эъзозлаб келди. У Тошкент давлат дорилғунини тугаллагандан сўнг хизматини Наманган шаҳар ички ишлар бўлимида бошлади. Жиноят қидирив бўлнимасида катта оператив вакил бўлиб ҳам ишлади. Бир қанча жиноятчilarни қўлга туширганлигидан ташқари кўп қонунбурзиларнинг олдини олган. Айни кунларда эса Умарали терговчи вазифасида ишлагтган эди.

Милиция майори У. Мажидов бутун фаолиятнинг хуқуқ-тартибот ишларини мустаҳкамлашга, фуқароларнинг қонуний манфаатини ҳимоя қилишга сарфлади.

Унинг камтарин хизматлари раҳбарият томонидан мунносиб баҳоланди. УзССЖ ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБ бошлигининг мақтов ёрликлари билан тақдирланган. Кўксини бир қанча медаллар безаб турарди. Афсуски шундай дўстимиз кутилмаган автофалакат сабабли фожеали ҳалоқ бўлди.

Унинг сўнмас хотираси доимо ҳамкаслари ва яқинларининг қалбида сақланиб қолади.

Нематжон МАМАЖОНОВ.

ҚОЧОҚ ҲАЙДОВЧИ

Шу йилнинг 11 апрелида Якабог тумани ИИБ ходимлари БХСС опервасили милиция капитани Маҳмасоат Жўраев, ДАН инспектори милиция старшинаси Тўйчи Бегимов, милиция катта сержант Марат Маҳматкуловлар Энгельсномли жамоа ҳўжалиги ҳудудида рейдда юришганди. Қарши шаҳри томонидан катта тезликда келаётган ю машинаси уларнинг эътиборини тортиди. Ҳайдовчи тўхташ ишорасини писанд қилмасдан ўтиб кетди. Дарҳол машина орқасидан тушилди.

«Партия ХХIV съезд» жамоа ҳўжалиги ҳудудида у тўхтатиди. Шаҳрисабздаги ташкилоти ҳайдовчиси Тўлқин Остонов «ГАЗ — 52» белгили 73-40 КФМ рақамли машинасида 3500 дона ҳўжалик совуни олиб кетаётганилиги аниқланди.

Камёб мол туман матлубот жамияти омборига топширилди. Т. Остонов эса ўз қилмиш яраша жазосини олди. Бахридин Аликулов, Якабог тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, милиция капитани.



БАЙНАЛМИЛАЧИ жангчи Насрулло Инъомовнинг номи Андикон вилояти ИИБ ДАНБ йўл-патруль хизмати ходимлари ўртасида алоҳида ҳурмат билан тилга олиниди. Бурчини ҳалол ўтапда бошқаларга намуна бўлаётган йигитни бекизга взвод командирлигига лойиқ кўришмаган. Насруллодаги яна бир яхши фазилат — бу билмаганларини сўраб ўрганиш ва тажрибасини бошқалардан аямаслик.

Суратда: взвод командири милиция капитани Насрулло Инъомов.

Фуломжон УБАИДУЛЛАЕВ олган сурат.

ЎЗИМИЗГА БОҒЛИҚ

Яқинда ички ишлар бўлимиизга маълумот тушди. Унда келтирилган далилни ўрганиш учун туман ИИБ бошлиги ўринбосари милиция капитани Шароп Назаров, участка вакили милиция катта лейтенант Алимбек Иўлдошев ҳамда камина иштирокида алоҳида гурӯх ташкил этилди.

Шундан сўнг биз «Гулбулқ» давлат хўжалигига қарашли Тенгали қишлоғида истиқомат қиливчи Тўлқин Холматовнинг кузата бошладик. Унинг кимлар билан учрашиши, кимлар билан савдолашишини билишимиз зарур эди. Тўлқиннинг нияти бузулғигига ишонч ҳосил қилгач, унинг уйи текшириб кўрилди. Натижада бу хонадандан сотиш учун яшириб қўйилган 4 килограммдан ошиқ наша топилди.

Т. Холматов яқинда ўз қилмишинга яраша жазосини олди, яъни 2 йилу 6 ойга мажбурий хизматга жалб қилинди.

Энди савол туғилди. Ёш бўлишига қарамай Т. Холматов нима учун бундай но-

жӯя қадам ташлади? Нахотки, оиласидагилар, қўни-қўшнилар унинг беко ҳатти-ҳаракатини сезишмаган бўлса! Билишган-сезишган бўлишса ҳам, индамай юраверишган. Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман, қабилида. Ахир, бир боланинг тарбиясига бутун қишлоқ жавобгар, деган ҳалқимизнинг гали бор-ку! Нима сабабдан бу ҳинматли иборага кейинги пайтда бефарқ қараяпмиз? Шундай кетаверсан, эрта-индин ўзимизнинг жигарларимиз ҳам бирор ножӯя қилири билан бизни аҳоли ўртасида юзимизни ерга қаратиб қўядику! Ниятим шуки, ҳар бир фуқаро ўзида жавобгарлик ҳиссини тушиб, ҳуқуқбузарликка қарши кескин курашсиз. Ана ўшанда, кўнгилбузарлик камайиб, хотиржам яшаймиз. Демак, ҳамма нарса ўзимизга бояли.

Жайнар БОБОМОУРОДОВ, Бахмал тумани ИИБ жиноят қидирив бўлинмаси катта опервакили милиция майори.

ОЛИЙ КЕНГАШ КОМИТЕТЛАРИДА

АЙБ МОНДАМИ ЁКИ ТОШДА?

Бир гурӯх депутатлар республикамиздаги вояга ётмаган болаларни тарбияловчи маҳсус билим юртлари, меҳнат-таълим колонияларини кезиб чиқдилар.

Нихоят биз ҳам норасида маҳкум фарзандларимиз ҳақида ўйлай бошладик. Уларнинг шу кўйига тушшиб қолишларига жамият, кола-верса биз — катталар ҳам айбдор эканлигимизни тан олгимиз келиб турибди. Ҳайрият, бизнинг қалбларга ҳам меҳр-шафқат, диёнат ҳислари дорий бошлади. Эътибор берган бўлсангиз мен «дорди» деёғаним йўқ, «дорий бошлади» деб айтапман. Бунинг боиси бор. Чунки бундай эзгулик ҳозирчамизнинг қалбларимизда кенг кулоқ ёйган эмас. Бироқ бу яхши ният Ўзбекистон парламентининг айрим депутатлари дилида ниш уриши қувончли воқеадир.

Ёшлар ишлари ҳам Қонунчилик, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот масалалари комитетлари томонидан вояга ётмаганларни тарбияловчи маҳсус муассасалар ишини ўрганиш учун бир неча комиссиялар тузилганилиги ҳақида илгари хабар қилган эдик. Улар Тошкент, Самарқанд, Зангигатдаги ана шундай муассасалар ишини ўргандилар. Жиноят ёки қонунбузарлик ўйлига кириб, ўша жойларда яшашга маҳкум этилган ўзмирлар юрагига қулоқ тутдилар, оғир ва аянчли ҳаётӣ турмуш тарзи билан танишдилар, инсоға юз тутганларнинг тавба-тазарруларини тингладилиар.

Ана шу иккى комитетнинг қўшма мажлисида иштирок этиб, у ердаги баҳсу-муно-зараларни кузатар эканман, бизнинг республикамизда ҳам ҳуқуқий давлат, инсонпарвар жамият барпо этишга астойдил аҳд қилган фидойи қишилар кўпайиб бораётганига ишонч ҳосил этдим.

Қўшма мажлисида республика ички ишлар, адлия, ҳалқ таълими вазирларининг, республика прокурорининг ўринбосарлари, маҳсус билим юртлари, меҳнат колонияларининг раҳбарлари, жамоатчилик вакиллари қатнашдиларки, бу парламентимизнинг муаммога шунчаки эмас, чин дилдан, келажак авлод тақдирiga жавобгарлик, қарздорлик ҳисси билан ёндашатганинг зътиборини бўлиб туюлди менга.

Биз илгарилари ҳам ёшлар келажаги ва тақдирiga ҳақида «қайтурувчи» кўплаб мажлислар ўтказардик, баландарвос шиорлар, самарасиз қабул кетувчи қарорлар қабул қилардик. Шунинг учун бўлса керак, Қонунчилик, қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот масалалари комитети раисининг ўринбосари Т. Мирзаевнинг маърузасини ҳигилиш қатнашчилари дастлаб бироз ҳафсаласизлик билан тингладилар. Бироқ кўп ўтмай нотиқнинг далилларга бой, ачиқ бўлса-да, ҳақиқатга йўғирлган фикрлари кўпчиликнинг зътиборини тортиди.

Аждодларимиз заҳмат билан бунёд этган моддий ва маънавий бойликларни келажак авлодга мерос қилиб қолдирдимиз, — дей сўз бошлади нотиқ. — Лекин бу хазинанинг салмоғи, қиммати нечоғли? Ана шу ме-

росни қабул қилиб олаётган фарзандларимиз имонли, садоқатли, эътиқодлими ёки майб-мажрух, нокобил, аламзода ўғил-қизларми?

Вояга ётмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик таҳлили қалбни ларзага солади, — дейди у афсус билан. — Нахотки шу даражада лоқайд, бағритош, беларво бўлиб кетдик. Таълим-тарбия борасидаги ишларимиз қониқарсиз, давр талабига жавоб бермайди.

Маърузачининг таъкидлашича, 1990 йилда республикамиз ўсмиirlари томонидан содир этилган қонунбузарлик 22,4 фоизга, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сирдарё вилоятларида 27-62 фоизга ошиб кетган. Қасдан одам ўлдириш 10, тан жароҳати етказиш салкам 19,номусга тегиши таҳминан 14, босқинчилик, юлғичлик деярли 29 фоизга ўрайган. Шундай пайтда чинакамига, инсончасига ҳуշёр тортмаслик ўз келажагимизни ҳалокатга маҳкум этишга рози-ризолидан бошқа нарса эмас.

Хўш, балоғатга ётмаганлар бу йўлга кириб қолишлари тасодифийми? Бу ижтимоий иллат осмондан лоп этиб тушди-ю, болаларни мизнинг беғубор қалбларига ёпишиб олдими? Йўқ, буларнинг туб сабаблари таълим-тарбиямиз заминни қўзбўямачиликка, ёлғонга, товламачиликка оғиб кетганида, катталарда иратрат кўрсатиш фазилатларининг йўклигида. Дарҳақиқат, энди фарзандларимиз тарбиясига, улар хоҳ очиқда, хоҳ ёпикда бўлишин, чинакамига виждон ва имон билан ёндашмас эканмиз, келажак авлод бизни кечирмайди.

Ёшлар ишлари комитети раисининг ўринбосари Э. Каримов Кўқондаги 48-маҳсус қизларни билим юртидаги аҳвол ҳақида куйиниб гапирди. Бу ерда ўғри ҳам, жиноятчи ҳам, аҳлоқан тузуккина қизлар ҳам бирга яшайдилар, — дейди у. — Бир қизча билан сұхбатлашдим. Кимнингдир гапига кириб 50 сўм пул ўғирлаган экан. Шу ерга юборишиди. Қилмишидан минг пушаймон. Энди эса ўзи билмаган ва ақли ётмаган яна кўплаб «ҳунар»ларни ўрганишга мажбур бўлганини айтиб берди. Узингиз ўйланг: энди бу қиз очиқка чиққач, каттароқ жиноятга кўл урмайди, деб ким айтиб олади?

Уша қизчани жиноят саридастлабки қадамидаёт саклаб қолиш мумкинмиди? Албатта, шугина қилмиши учун бутун умри барборд бўлишини тушунтирасак, у ҳақда бир озигина жон койитсак, олам гулистон эди. Афсуски, бундай қилмадик. Эрнандик. Ҳақиқий инсоний йўлга кириши мумкин бўлган оддий гуноҳкор қизалоқдан, эътимол, малакали жиноятчи етиштириб олдик. Чунки ундан меҳризини, муруватимизни дарори тутдир, тақдирiga лоқайдлик билан қарадик.

Ички ишлар вазирининг ўринбосари F. Раҳимов миңбарга чиқиши билан йигилиш руҳи бир қадар жонланиб кетди. У вояга ётмаганларга фақат милиция орқалигини таъсири ўтиказиш мумкин деб тушунувчилар қаттиқ хато қилишлари, ёшлар билан ишловчи инспекторлар учун шарт-шаронт

йўклиги, маҳаллаларда оқсоқоллар кенгашлари тузиш, ижроқўмлар қошидаги комиссиялар фаолияти таъсирини ошириш зарурлигини айтди. Колониялардаги инсонийликка зид тартиб-коидалар, зобитларнинг ножӯя ҳатти-ҳаракатлари, озиқ-овкатларнинг нихоят даражада сифатсиз ва қувватсизлигига доир саволларга жавоб берди.

Республика прокурорининг ўринбосари Т. Мирзаев, адлия вазирининг ўринбосари М. Абдулсомов, ҳалқ таълими вазирининг ўринбосари Ю. Абдулаевнинг нутқлари ҳам қизиқиш билан тингланди, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди.

Қашқадарёлик ҳалқ депутати Н. Исмоилов: «Ҳатто курт-кумурска ҳам энг яхши нарсаларни болаларига илниади, нега энди биз инсонлар ўз фарзандларимизга меҳрсизлик, шафқатсизлик билан муносабатда бўламиз, улардан ризқ-рӯзини қизғанамиз», — дейи юракларни тўлқинлантириб юборди. У болалар колониялардаги буғунги тартиб-коидалар инсоний фазилатларга хизмат қилмайди, мавжуд қонунларимизни келажак авлод олдида уялтириб қўймайдиган даражада қайта ишлаб чиқиш зарур, деди.

— Мен Тошкентдаги болалар колонияларига депутат ёки район советининг раиси, районом котиби сифатида эмас, бир ота сифатида кириб бордим, — дейди биз билан сұхбатда ёшлар ишлари комитети аъзоли Бегижон Раҳмонов ҳаякон ва алам билан. — Биласизми, у ерда биз шундай номақулчиликларнинг гувоҳи бўлдикки, айтишга тил қайишмайди. Имоним комил: ўша норасидалар орасида қайта тарбияласа бўладиган, виждони ҳали уйоқлар кўп. Бироқ бундайлар билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Бепарвоник, бемеҳрлик, яхши билан ёмоннинг фарқсизлиги оқибатида кўп ўтмай улар ҳам ашаддий жиноятчиларга шерик бўлиб кетишлари мумкин. Ҳолбуки бунинг олдини олиш имконияти бор. Аввало колонияларга вақти-вақти билан кучли руҳшунос олимларни таклиф этиб туриш лозим. Улар тарбияланувчиларнинг аҳволи, руҳияти, қилмишига муносабатини ўрганиб, табакаларга ажратишиша қанийди! Ота-оналарнинг теззиз келиб туршишларини одат тусига киритиб, ойда бир ёки иккى марта бирга ётиб дийдорлашишларига руҳсат берини керак. Мехр кўзда, дейди ҳалқимиз. Ота-оналарнинг армон тўла қўзларига боксан виждонли бола бир неча кун ўйланади, афсусланади. Ўзбекча, русни русча, арманни арманча тартиб-коидалар, анъаналар воситасида тарбиялашни қатъий йўлга кўйиш зарур.

Алам ва армон тўла бу сўзларни тинглар эканман, ҳеч қайси мамлакатда ўз келажаги, ўз фарзандларига биздагичалик эътиборсизлик билан қарашмаса керак, деган фикр ҳаблинига келди. Адашган, гуноҳкор бу болаларнинг оғир тақдирни бор, ҳеч қайси жамиятнинг ҳам гуноҳи эканини ҳисилдим.

Абдуниби БОЯҚҰЗИЕВ,
[«Халқ сўзи» рўзномасидан].

ЭЛ ОЛҚИШЛАГАН ЙИГИТ

Баҳодир Пўлатов ўз хонасида бугунги ишларни режалаштириб ўтирганди, эшик шаҳд очилиб, рангларида қон қолмаган ўрта ёшлардағи киши кириб келди.

— Ука, ўғри, уйимга ўғри тушибди,— деди у саломлашишни ҳам унунтиб.

— Шошилмасдан гапи-ринг-чи, воқеа қачон юз берди? Нималар ўғирланиди?

— Кечқурун кенойингиз бетоб онасини кўргани жетуди. Мен эса тунги сметнадаги ишга. Эрталаб уйга қайтсам, эшик қулфи бузилган. Ичкарига кирсам, ҳаммаёқ алғов-далғор. Тўйга деб йигиб қўйган кийим-кечаклар, жамгарган озгина пулимиж жойида ўйқ.

— Гумонларингиз борми?

— Аниқ бир нарса дея олмайман.

— Шундоқ денг, ташвишланманг, ўғрини топамиш, ака. Албатта нарсаларингиз қайтарилади. Ҳозир тўғри уйингизга кетаверинг. Биз маҳсус қидируг турарни билан етиб борамиз.

Шундан сўнг катта участка инспектори Баҳодир Пўлатов ходимлар билан дарҳол Ленин номин кўчада яшовчи Турсунбой Абдуллаев хонасонига етиб келди. Синчилклаб атрофни кўздан кечиришди. Оёқ ва қўл изларидан кўчирмалар олишиди. Шу тариқа қидируг ташвишларни бошланди. Гумондор шахслар, жамоа фаоллари

билан суҳбатлар ўтказилди. Фикрлар олинди. Ниҳоят ўғри топилди. У туман марказидаги Наманганд кўчасида истиқомат қилувчи, ҳеч қардаша ишламайдиган Акбарали Қосимов деган кимса экан. Жиноятчи қиммишига икror бўлди. Иши терговга оширилди. Ўғирланган пул баумлар этасига қайтилди.

Турсунбой Абдуллаев ўзида ўйқ хурсанд эди. Ҳаяжондан кўзларига ёш келди.

— Раҳмат ука, бу яхшилигинизни умрбод унутмайман. Худо ҳамиша омадингизни бераверсин!

— Ҳечқиси ўйқ ака, биз ўз бурчимиши бажардик, холос.

Биз Наманганд вилояти Тўракўргон тумани ички ишлар бўлими катта участка инспектори милиция майори Баҳодир Пўлатовнинг кундаклики иш фаолиятидан бир лавҳа келтиридик. Унинг хонасига ҳар куни турли касбаги кишилар ҳар хил юмушлар билан келиб туришади. Бирор эрининг ичкиликбозлигидан ва оиласа маддий ёрдам кўрсатмаётгандигидан шиколт қиласа, иккичиси жанжалкаш қўшинисидан нолийди. Хуллас унинг ҳузуринга келувчи ҳар бир кишининг ўзига яраша ташвиши бор. Кишиларнинг юрак дардларини тинглаш, уларни иложи борича ижобий ҳал этиш Баҳодирнинг одатий ишига айланиси қолган. Шунинг

учун ҳам у хизмат қилаётган участка ҳудудида истиқомат қилувчи аҳоли милиция майорининг дилкашлиги топқирлигидан, хушёрлиги мадрлигидан беҳад малинун.

Баҳодирда милиция ишига қизиқиш мактабда ўқиб юрган кезларидан пайдо бўлганни. Армиядан қайтиб келгач, Тошкент ўрта маҳсус милиция мактабига ўқишига кирди. Уни муваффақиятли туталлагач, Қосонсой тумани ички ишлар бўлимида участка инспектори бўлиб иш бошлади. Уз касбига меҳр қўйиб, сидқидилдан хизмат қиларди. Кун сайн малакаси ортиб бораради-ю, аммо билим савиаси пастроққа ўхшаб кўринарди. Чунки ҳамкаасбларнинг кўпчилиги олий маълумотли бўлиб, ҳар томонлама тажриби шахслар эди. Қолаверса, давр ҳам олий маълумот олишини тақозо қиларди. Шу боис ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда жумҳуриятимиз пойтактидаги олий милиция мактабида таҳсил олди. Олий маълумотли ҳуқуқшунос дипломига эга бўлди.

Уч йилдирки, Баҳодир Тўракўргон тумани ички ишлар бўлимида хизмат қилмоқда. У иш бошлаган дастлабки кунларданоқ ўзига биркитилган участка ҳаётини чукур ўрганди. Аҳоли билан яқиндан танишди. Мехнатсеварлиги, фидойлиги, кишилар билан тез тил топа олиши туфайли эл ҳурматини қозонди. У жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча билим ва тажрибаларидан фойдаланади.



жиноятчиликнинг олдини олиш учун барча билим ва тажрибаларидан фойдаланади.

Баҳодир Пўлатов ўзига ҳам, қўйл остидаги ходимларга ҳам ўта талабчан. Шунинг учун у раҳбарлик қилаётган участкада жиноятчилик йилдан-йилга камайиб бормоқда. Бу йил ўтган йилга нисбатан 20 фонзига кискарди,— дейди туман ИИБ бошлиги, милиция подполковники Маҳмуджон Тоқибоев.

— Асосий мақсадимиз имкон борича жиноят содир бўлишига йўл қўймаслиқ. Лекин ҳукуқбузарлик юз берса, дарҳол унни фош этиши,— дейди Б. Пўлатов.— Бир мен эмас, барча ҳамкаасбларим ҳам уни яна ни тезкорлик билан бажаришимиш мумкин. Аммо бунга етарли шароит ўйқ. Бўлиминизда техника таъминоти кўнгилдатидек эмас. Борлари ҳам аллақачон вазифасини ўтаб бўлган. Чет эл полициялари компьютерлардан фойдаланишмоқда. Биз эса

ҳамон ўндай техникалардан йироқдамиш. Ҳеч бўлмаса замонавий жиҳозларга эришсан, ишимида анча олга силжин бўлар эди.

Баҳодир самарали хизматлари учун жумҳурият ички ишлар вазирлигининг, вилоят ва туман милициясининг қатор мукофотлари билан тақдирланган.

Мабодо йўлингиз тушиб. Тўракўргон шаҳри марказидаги жамоат тартибини сақлаш таянч пунктига кириб қолсангиз, сизни милиция майори формасидаги хушчақчақ, самимий йигит ҳарши олади. У қаҳрамонимиз Баҳодир Пўлатовдир.

Тоҳиржон АКРАМОВ, Тўракўргон тумани ИИБ ходими, милиция капитания.

Суратда: милиция майори Б. Пўлатов кўнгилли ҳалиқ дружиначиси С. Абдуллаев билан навбатдаги ишни реjalаштироқда.

Муаллиф олган сурат.

САДОҚАТЛИ ЁРДАМЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Жумҳурият ИИБ жиноят қидируги таркибидаги кичик инспектор-кинологлар мусобақасига яхун ясалди.

5 кун давом этган бу кўрикда Тошкент шаҳар, Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманганд, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятлари ижроия қўмиталари ИИБдан ҳамда Қорақалпогистон Шўро жумҳуриятни ИИБдан 10 та команда иштирок этди. Улар ўзларининг хизмат итлари билан турли тўсицлар майдонидан ўтишиди. Сўнгра кинологлар итларнинг ҳид сезишини на мойиш этишиди.

— Кичик инспектор-кинологларнинг хизмат кўп кураши бўйича шахсий-коман-

да мусобақаси якунларига кўра,— дейди мусобақа бош ҳаками, жумҳурият ИИБ ходими милиция капитани Борис Якушкин.— Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБ вакиллари биринчи ўринни, 2-ўринни Хоразм вилоятни ижроия қўмитаси ИИБ, 3-ўринни эса Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБнинг 2-командаси эгаллади.



Шахсий биринчиликда шохсупага Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБдан милиция кичик сержантини Эркин Тиллаев ўзининг «Ральф» лақабли ити билан кўтарилиди. У 296 балл тўплади. Иккичи ва учинчи ўринларни ҳам Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБ ходими милиция катта сержантини Эркин Тиллаев.

роия қўмитаси ИИБ ходимлари — милиция кичик сержантлари Шуҳрат Сотиводлиев ўзининг «Хорд» лақабли ити билан, Павел Битюк «Цезарь» лақабли ити билан эгаллашди.


Голибларга жумҳурият ИИБ кўчма кубоги, мақтov қоғозлари, пул мукофотлари тақдим этилди.

Суратларда: Мусобақа ҳаммалари — милиция капитанлари Борис Якушкин ва Алексей Ардашев; синов тўсицларидан ўтиш; мусобақа голиби Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ИИБ ходими милиция катта сержантини Эркин Тиллаев.

Хабибулла ШОДИЕВ олган суратлар.



ЖИГАРИСТОН: ФАЛОКАТ ВА ЖАСОРАТ



Ангрен шаҳри яқинидаги кечагина кўпчиликка номаълум Жигаристон кўр-

ғони номини оғриқни сизи мумкин бўлган инсонлар қалбига муҳрлаб

қўйган фалокат мана шу тепаликлардан тупроқ қўчиши туфайли юз берган.

Тупроқ остида одамлар қолди, туаржойлар қолди. Яна бир нарса қолди.

Бу шаҳид кетгандарнинг тириклар юрагида мангу қолган хотираси.




Бугун куттимаган ҳодиса қурбони бўлганлар номини хотирлаш учун бу ерга нафақат марҳумларнинг яқинлари, қариндошуруглари, балки жумҳуриятнинг турли чеккаларидан келаётган инсойлар оқими узилмайди.

Оналарнинг серажин чехраларидаги дард, эрқакларнинг юзаки хотиржам қиёфаларидағи ўйчанлик кўп нарсалардан сўйлаб турибди.

Олдин ҳам хабар берганимиздек, фалокат бутун ҳалқимизни қўзгалтириб қўйди. Юртимизда ҳали оқибат, меҳр-шағат туйгулари бениҳоя кучли эканлигини мана шу ерда ҳис қилиш мумкин. Дастлабки дақиқаларда ёрдамга етиб келганлар орасида ҳайдовчилар ҳам бор эдилар. Уларнинг матонатли меҳнати ҳар қанча таҳсинга лойиқ қудратли техника рулини вақт билан заррача ҳисоблашмасдан бошқараётган қалби дарё кишилар турли туман ҳалқ хўжалик юкларини ташимоқдалар.



Жигаристон сари йўл олган минг-минглаб самимий инсонлар панасида сездирмай ўтишга ҳаракат қилаётган бир-иккита эрги ниятили кишилар ҳам бор. Уларнинг шум режаси пучга чиқиши аниқ, чунки сутканинг исталған пайтида кўмакка муҳтож ҳар бир одам чақириғига милиция ходимларни шай турнишибди. Ангрен шаҳар ички ишлар бўлми жамоат тартибини сақлаш бўлинмаси бошлиғи милиция капитани Хайрулла Матасимов ана шундай фидойи кишилардан бири. Уни ҳамиша хизмат пайтида, учратиш мумкин.



Фалокат мана шу уйни ҳам ямлаб юборишига бир баҳя қолди. Ҳонадон әгалариши қўчиришга, неча йиллар давомида бошпана бўлган қадрдан иморатни бузишга тўғри келди. Яхши ниятда бино тикларди ўзбеклар. Бугун яхши ниятда — хавфдан йироқ қилиш мақсадида бу уйлар бузилмоқда.



«Жигаристон». Бугун бу ном — ҳамкорлик, ҳамдарлик тимсолига айланди. Жумҳуриятнинг барча аҳолиси баҳоли қудрат ёрдам бермоқда. Ҳозир Жигаристонга олиб борадиган йўлларда транспорт қатнови бир неча карра ортиб кетди. Уни тартибиға солишда, ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда ДАН ходимларининг хизмати катта бўлмоқда. Тошкент вилояти ИИБ ДАНБ ходими милиция кичик сержантини Эрназар Бекмуродов Бухоро вилоятидан ёрдамга келган саҳоват эгаларига йўл кўрсатмоқда.



Суратли саҳифани «Постда»нинг маҳсус мухбирлари Файратжон БОЛТАБОЕВ (матн) ва Ҳабибулла ШОДИЕВлар (суратлар) тайёрлашган.

Сим қоқсан кишининг сўзларини англаб бўлмасди. Учайлонганидан дудукланганча, «тез тез келинглар», дея оларди холос. Навбатчи қайта-қайта сўраб зўрга тушунди: 31-рақамли давлат хўжалиги ҳудудидаги зах ариқ ёнида кимнидир ўлдириб кетишган.

Эрталаб ишга чиқишиган хўжалик аъзолари уни кўриб қолишиди. Дўмнайган тупроқ тагидан одамнинг қўли чиқиб турарди. Аввалига ҳамма қўрқувдан қотиб қолди. Бироз ўтгач, кимдир яқин ўтадаги телефон бор жойга қараб югуруди. Милицияга хабар бериш керак.

Етиб келган оператив гурух ходимлари атрофни диккат билан куздан кечириб чиқишиди. Деярли из қолмаган. Кўриниб турибди-ки, бу иш анча тажрибали жиноятчилар томонидан амалга оширилган. Фақат қоронгуйликда ҳамда шошилишганидан бўлса керак, мурданинг қўли охиригача кўмилмасдан қолган.

Биринчи ўринда жасалинг шахси аниқланishi керак. Қолгани аста-секин равшан бўлади.

Шу ернинг ўзидаёт алоҳида опергурух тузилди. Унга раҳбар этиб анча тажрибали ходим, Муборак тумани ИИБ жиноятни қидириб бўлинмаси бошлиги, милиция капитани Равшан Норқулов тайинланди. Гурух шу заҳотиёқ ишга киришиди. Тажминилар анчагина эди. Чунки Муборакдан Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини туташтирувчи ҳамда қўшни Туркманистонга кетувчи катта йўл ўтган. Бу ердан ҳар соатда қанчалар машина ўтади, шунинг учун иш осон эмасди. Буни яхши ҳис қўлган милиция ходимлари тахминларнинг энг биринчисидан бошлиб текширишга тушдилар. Ҳар бир дақиқанинг қадрани антлайдиган тажрибали изкуварлар шошилишарди. Ти-

ҚАБИҲЛИК ЎЧОГИ



нимиз сим қоқишилар, гумон қилинган шахслар олдинга ташрифлар узлуксиз давом этарди. Натижка эса йўқ. Фақат хаёлий кураш изқуварларнинг тинкасини қутиради. Топиш керак. Қандай қилиб бўлса-да, ўликинг шахсини аниқлаш ва унинг қотилларини топиш керак. Кераккина эмас, шарт!

...Кеч кириб бораарди. Опергурух аъзолари тиним билмасди. Фақат тунги соат 12 ларда номаълум жасад шахси аниқланди. У Бухоро шаҳрида истиқомат қилувчи, истеъфодаги полковник Явdat Диловеров экан.

Энди қотилларни топиш керак. Шу куни тонггача опергурух аъзоларидан ҳеч ким мижжа қоқмай ишлади. Шунча изланишлар бекор кетмади. Эрта саҳарлаб кўлга олиш гурухи қўшини Усмон Юсупов туманида истиқомат қилувчи А. ни қамоққа олди.

Воқеа мана бундай бўлган эди. А. шериги — Нишон туманида яшовчи Б. билан Бухорага боришади. У ерда эски «оғайн»лари—озарбайжонлик О. ва Бухоро вилоятининг Шофиркорон туманида истиқомат қилувчи жувон М. ларни топишади. Ҳеч қандайда ишламайдиган «улфат»лар машшатга пул ундиримоқчи бўлишида. Шу куни улар яна эски усулни қўлишади. Чунки бу ишда устаси Фаранг бўлишганидан кейинги пайтда «ов»лари бароридан келаётганди.

Тўртвон Бухородан Муборакка машина кира қилишиди. Иўл ҳақига 160 сўм беришларини айтишгач, Диловеров ҳам дарров рози бўла қолди. 31-рақамли давлат хўжалиги ҳудудига киришганида қоронгу тушеб қолганди. Шу ерда М. ҳайдовчини машинани бир дақиқага тўхтатини сўрайди. Уларнинг шум иянидан бехабар Диловеров ҳам «илтимосни бажариб, машинани тўхтатди. Шу пайт орқа ўриндида ўтирган О. ҳайдовчини ишларни ишбот этилар.

довчининг бўйнига мустаҳкам боғич ташлаб, бўға бошлиди. Қаршилик бефойда эди. Чунки бир кишига тўрт киши ҳужум қилаётганди. Кейин улар жасадни йўл чегига шоша-пиша кўмишдида, жуфтакни ростладилар.

Опергурух аъзолари шу куни қотилларнинг қолганларини ҳам қўлга олдилар. Олиб борилган суринтирув чорига уларнинг кўпигина қабиҳ ишлари очила бошлиди. ...1989 йилнинг ўрталари.

А. бошлиқ босқинчилар Китоб шаҳридан уйлардан бирига бостириб кирадилар. Хонадон эгасини қийнаб ўлдиришгач, барча қимматбахо буюмларни жабрланувчи нинги машинасига юклаб, уни миниб кетади. Ишлар босди бўлгач, бу кимсалар Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи Содиконвоннинг изига тушадилар. Қўлай пайт топиб, уни ҳам ўлдиридалар ва жасадни машина юхонасига солиб, Қаршидан четта олиб чиқишади-да, каналга ташлаб юборишида. Содиконвоннинг машинасини бозорга олиб чиқиб, ароон-гаровга сотишида. Пулни ўзаро бўлишида.

Қўзи қонга тўлған қотиллар кейинги сафар Сурхондарё вилоятидаги Сариосиё шаҳрига йўл олдилар. Қоронгу тушеб, хонадонлардан бирига бостириб кирадилар. Милтиқ ва личоқ билан қутиклилган сарафан, қизил рангли шиппак бор эди...

ролланган ҳамда ниқоб кийган одамларни кўриб, уй эгалари қўрқувдан қотиб қолишиди. Босқинчилар оила аъзоларининг оёқ-қўлларини боғлашгач, турли хиз азоб бериб, катта миқдорда пул талаб қилишиди. Шуңдан сўнг ташрифсиз келган «мехмон»лар уйдаги барча қимматбахо буюмларни пулларни олиб чиқиб кетишиди.

Уларнинг кирдикорларини санайверган сари одам даҳшатга тушади. Кейинги учтўрт йил ичидан инсонийлик қиёфасидан чиқдан бу кимсалар Қашқадарё, Бухоро, Сурхондарё вилоятларида босқинчилек, талончилик каби оғир жиноятларни содир этишган, кўплаб бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлишган.

Муборак тумани ИИБ ходимларининг моҳирлик ва аниқлик билан иш олиб борганилиги натижасида бу жинонг гуруҳнинг 50 нафарга яқин аъзолари қўлга олниди. Айни пайтда суринтирув ишлари ниҳоясига этиб қолди. Шуний учун ҳам айбордларнинг аниқ исм-шарифларини ёзмадик. Суд ҳумки кучга киргач, бу ҳақда тўлиқ маълумот бериш ниятимиз бор.

...Яна бир қабиҳлик ўчоги яксон этилди. Бу албатта осон кечмади. Неча туну кун бедаловатлик билан ўтди, қанча таҳликали ҳодисалар рўй бермади, дейсиз. Буларнинг барчасига милиция ходимлари чидам билан турив бердилар. Муборак тумани ички ишлар бўлими бошлиги, милиция подполковники КенжАрабов, бошлиқ ўринбосарлари — милиция капитанлари Пирмат Аҳмедов ва Усмон Иброҳимовнинг бугун юзи очиқ. Чунки уларнинг қўл остида ишлаетган ходимлар ўзларининг яна бор неларга қодирлигини, бошлича айтганда, малакали ва тажрибали изқувар эканликларини исбот этилар.

Абдул НАСАФИЙ.

ЯНА ЁРДАМ БЕРСАНГИЗ



лик фермаси қаршисида топилган.

Белгилари: 18-30 ёшларда, бўйи 160 сантиметр, ўртача гавдали, калта сочлари бўялган, қўлининг тирногига лак югуртирилган.

Алоҳида белгилари: қорнида эски кўйган жароҳат изи, бош бармоги асосида иккичада ҳарфдан иборат татуировка бор. Биттаси «Н», иккичини ўқиб бўлмайди. Жасад ёнида яшил рангли кўйлак топилган. У марҳумага тегиши бўлиши мумкин.

1984 йил 28 август куни Чиноз туманидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги ҳудудида ўлдирилган қизчанинг қаттиқ ириб кетган жасади топилди. Белгилари: 10-14 ёш-

ларда, бўйи 145 сантиметр, сочлари қора ва калта.

Қизча энгизида оқ труси, қизил рангли газламадан

тиклилган сарафан, қизил рангли шиппак бор эди...

Муҳтарам фуқаролар! Сиз бу сатрларни «Постда»нинг шу йил 2 апрель кунги сонида ўқиган эдингиз. Фуқароларнинг ёрдами билан иккича жасад, яъни қизчанинг шахси аниқланди. Лекин биринчи жасад — аёлнинг ким бўлганини аниқлаш қийин кечаяпти. Шу боис яна сизларнинг ёрдамларнингизга муштоқмиз.

Эътиборларнингизга унинг фоторобот ёрдамида чизилган суринтирилган яна бор ҳавола этајимиз. Агар марҳума ҳақида бирор маълумотга эга бўлсангиз, терор ишига кўмак беришини, энг яъни милиция бўлнимига «02» ракамили телефон орқали ҳабар қилишингизни сўраймиз.

УзССЖ ИИВ ЖҚБ.

[Владикавказ] ҳужумга зўр берди. Улардан бирда топилган тўпни дарвоза устуни қайтарди. Ўйининг сўнгги дақиқасида эса яна омад «Пахтакорга кулиб бокди. Шкирни биринчиликдаги еттичи, матчдаги иккича тўпни уриб, ҳисобни охирига етказди. «Пахтакор» мұхим ҳалбага эришиди.

Зиёвиддин СОДИҚХУЖАЕВ, «Постда»нинг спорт шарҳловчи.

◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ ◆ ФУТБОЛ

НАВБАТДАГИ ҒАЛАБА

нинг оғир кунларнда, олий лигага йўлланма олишида катта хизмати синггак ветерани ишқибозлар олқишилар билан кузатиб қолишиди.

Уйин пахтакорчилар ҳужуми билан бошланди. Шкирни, Қосинов, Платниковларнинг фаол ҳаракатлари туфайли рақиблар дарвозаси олди-

да тез-тез ҳафли вазиятлар үзүнгуда келиб турди. 39-дақиқада ярим ҳимоячи Қосинов узатган тўп жарима майдоннида бир неча спартакчилар куршовида турган Ҳасановга тушди. У соғуқонлик билан ҳаракат қилиб, тўпни дарвозага йўллади.

Иккича бўлнимда «Спартак»

Телефонлар: Муҳаррир,

муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, 37-23, 46-56 (ички).

Буюртма — 5409.

«ПОСТДА» —
(«НА ПОСТУ»)

Орган коллегияи МВД
УзССР